Sifatli ta'lim-yorqin kelajak
ISSN: 3060-4761

TerDPI ILMIY XABARNOMASI
SCIENTIFIC BULLETIN OF THE TerSPI
НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК ТерГПИ

www.xabarnoma.terdpi.uz

УДК: 378.14:005.591.6

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ: ИМКОНИЯТЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

Холиқов Н.А.
Термиз давлат педагогика институти,
катта ўқитувчиси

Аннотация. Мақолада олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг турли йўналишлари таҳлил қилинган. Хусусан, кадрлар тайёрлашда буюртмачи корхоналарнинг иштироки, талабалар учун амалиёт жараёнлари, илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларда университетларнинг иштироки ҳамда консалтинг хизматларининг роли ёритилган. Шу билан бирга, ҳамкорликнинг устувор вазифалари ва истиқболлари, кадрлар бозори талабларига мослашиш, инновациялар жараёнида университетлар ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро муносабатлари алоҳида кўриб чиқилган. Тадқиқот натижалари таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги орқали мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига ҳисса қўшиш имкониятларини кўрсатади.

Калит сўзлар: Олий таълим, ишлаб чиқариш корхоналари, ҳамкорлик, кадрлар тайёрлаш, амалиёт, инновация, тадқиқот, консалтинг хизматлари.

EFFECTIVE COOPERATION BETWEEN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS AND PRODUCTION ENTERPRISES: OPPORTUNITIES AND PROSPECTS

Abstract. The article analyzes various areas of cooperation between higher education institutions and production enterprises. In particular, it highlights the involvement of enterprises as customers in the training of specialists, the role of practical training for students, the participation of universities in scientific research and innovation projects, as well as the significance of consulting services. Moreover, the paper discusses the priority tasks and prospects of such cooperation, the adaptation to labor market requirements, and the reciprocal relations between universities and production in the innovation process. The research findings demonstrate the opportunities to contribute to the economic and social development of the country through the integration of education, science, and production.

Keywords: Higher education, production enterprises, cooperation, training of specialists, practice, innovation, research, consulting services.

ЭФФЕКТИВНОЕ ВЗАИМОДЕЙСТВИЕ ВУЗОВ И ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ: ВОЗМОЖНОСТИ И ПЕРСПЕКТИВЫ

Аннотация. В статье анализируются различные направления сотрудничества вузов и производственных предприятий. В частности, выделяются участие предприятий-заказчиков в подготовке кадров, организации стажировок студентов, участие вузов в научно-

исследовательских и инновационных проектах, а также роль консалтинговых услуг. При этом отдельно рассматриваются приоритетные задачи и перспективы сотрудничества, адаптация к требованиям рынка кадров, взаимодействие вузов и производства в процессе инновационной деятельности. Результаты исследования свидетельствуют о возможностях содействия экономическому и социальному развитию страны посредством объединения образования, науки и производства.

Ключевые слова: Высшее образование, производственные предприятия, кооперация, подготовка кадров, стажировки, инновации, научные исследования, консалтинговые услуги.

Кириш. Кадрлар тайёрлаш учун ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмачилик салоҳияти анча юқори айниқса, корхона мураккаб товарлар ишлаб чиқаришга ёки юқори сифатли хизматлар кўрсатишга ихтисослашган бўлса. Бундай ҳолларда корхоналарнинг меҳнат бозорида мавжуд бўлмаган маълум кўникма ва билимларга эга мутахассисларга эҳтиёжи ортади. Глобаллашув жараёни, жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда инновацион жараёнлар меҳнат бозори ривожланишига янги талабларни белгиламоқда. Замонавий меҳнат бозори умумиқтисодий бозор механизмининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, меҳнат потенциалидан самарали фойдаланишга, рақобатдошликни оширишга, ишчилар малакасини оширишга, ишчи кучининг тармоқлар ва ҳудудлар бўйлаб ҳаракатчанлигининг ошишига, бандлик шаклларининг кенгайишига имкон яратади[1]. Корхоналар кўп турли, жумладан, таълим муассасалари, касбий тайёргарлик марказлари ёки ички ўқув дастурлари орқали ўқитишга буюртма беришлари мумкин. Ушбу соҳада буюртма асосида ишлаб чиқарилган салоҳиятни ривожлантириш таълим муассасалари ёки ўқитишга ихтисослашган ташкилотлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш орқали амалга оширилиши мумкин. Шу билан бирга, ишлаб чиқариш корхоналари ўзларининг ўқув марказларини яратиши мумкин, бу ерда мавжуд мутахассисликлар ходимлари ўқитилади ва малакага ега бўлади, шунингдек корхона еҳтиёжлари учун янги мутахассисларни тайёрлайди.

Тадқиқот методлари. Мазкур мақолада қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув ва умумлаштириш методлари қўлланилди. Қиёсий таҳлил орқали ишлаб чиқариш корхоналари ва олий таълим муассасалари ҳамкорлиги турли шаклларда ўрганилди. Тизимли ёндашув ҳамкорлик жараёнидаги ўзаро манфаатли боғлиқликни кўрсатишга хизмат қилди. Умумлаштириш методи асосида эса мавжуд тажрибалардан назарий хулосалар чиқарилди.

Муҳокама ва натижалар. Фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг инновациялар яратиш ва уларни жорий этиш учун интеграциялашиши шериклар ҳар бирининг қуйидаги мақсадларга эришишини назарда тутади:

инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишда шериклар имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятини янада ошириш;

ўз мақсадларига эришиш учун шерикларидаги мавжуд ресурслардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;

интеграциялашган тузилманинг инвестициявий жозибадорлигидан фойдаланган ҳолда учинчи томоннинг молиявий ва бошқа ресурсларига эга бўлишини осонлаштириш[2]. Тадқиқотлардан олинган маълумотлар шундан далолат берадики, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик кўлами нафақат кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, балки мамлакатдаги

иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг барқарор ривожланиши учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳамкорликнинг турли шакллари – талабалар учун амалиётлар, қўшма илмий тадқиқотлар, инновацион ишланмалар ва консалтинг хизматлари – ҳар икки томон манфаатларини уйғунлаштиришда асосий восита сифатида намоён бўлади.

Биринчи навбатда, ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмачилик салоҳияти университетлар учун амалдаги кадрлар тайёрлаш жараёнини бозор талабларига мувофиқлаштириш имконини беради. Талабалар ишлаб чиқариш муҳитида тўғридан-тўғри амалий тажриба орқали назарий билимларини мустаҳкамлайди, корхоналар эса ўз эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисларни танлаш имконига ега бўлади.

Иккинчидан, қўшма илмий тадқиқотлар университетлар ресурсларини ишлаб чиқариш салоҳияти билан уйғунлаштиришга хизмат қилади. Бундай ҳамкорлик натижасида янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматлар яратилиши мумкин, бу эса миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлайди. Университетларнинг илмий-тадқиқот салоҳияти корхоналар учун янги инновацион ечимларни жорий этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Учинчидан, консалтинг хизматлари икки томоннинг ўзаро муносабатларини самарали мувофиқлаштириш имконини яратади. Маслаҳатчиларнинг вазифаси фақатгина ҳамкорлик йўналишларини белгилаш билан чекланиб қолмай, балки унинг стратегик режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини ташкил этишдан иборат. Бу жараён узоқ муддатли ҳамкорликнинг барқарорлигини таъминлайди.

Халқаро тажрибалардан келиб чиққан ҳолда шуни қайд этиш мумкинки, инновацион жараёнларнинг ривожи институционал интеграциялашган тузилма доирасида амалга оширилади. Бу тузилма сифатида миллий инновацион тизим (МИТ) хизмат қилади, МИТ концепцияси 1990-– йилларнинг бошида пайдо бўлган, унинг асосчилари К.Фриман, Р.Невсин ва Б.А.Лундвеллардир. Янги назарияни бирлаштирувчи ва амалга оширувчи бу иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш бўйича таклиф – янги йўналишнинг шаклланишига муҳим бир асос бўлиб хизмат қила олишини қайд этиш мумкин. Бу инновацион иқтисодни ривожидаги институционал тузилмаларнинг ўзаро алоқалари туфайли пайдо бўладиган синергетик эффект ҳақида гапириш имкониятини берди[3]. Шу билан бирга, таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишга туртки бўлади. Талабаларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш шу жараённинг муҳим натижаларидан бири ҳисобланади. Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши мамлакат инновацион салоҳиятини кучайтириш, кадрлар тайёрлаш тизимини бозор талабларига мослаштириш ва иқтисодий барқарорликка эришишда муҳим стратегик омил сифатида намоён бўлмоқда.

Олиб борилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик самарали бўлиши учун бир нечта йўналишлар устувор аҳамиятга ега. Жумладан, кадрлар тайёрлаш жараёнида корхоналарнинг буюртмачилик салоҳияти юқори бўлиши талаб этилади. Бу, айниқса, мураккаб технологияли маҳсулотлар ёки юқори сифатли хизматлар ишлаб чиқарадиган корхоналар учун муҳимдир. Шунингдек, университетлар амалиёт

дастурларини ривожлантириш орқали талабаларга ҳақиқий ишлаб чиқариш муҳитида ишлаш имконини яратмоқда, бу эса билимларнинг назариядан амалиётга самарали кўчишини таъминлайди.

Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, Германиянинг дуал таълим тизимида корхоналар ва университетлар ўртасидаги ҳамкорлик мутахассислар тайёрлашнинг асосий омили ҳисобланади. Талабалар таълим жараёнининг камида 40–50фоизини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказишади. Японияда эса йирик корпорациялар университетлар билан қўшма илмий марказлар очиб, инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилишда фаол иштирок этади. Бундай тажрибалар Ўзбекистон учун ҳам долзарб, чунки миллий иқтисодиётнинг замонавий талабларига мос кадрлар тайёрлаш ва инновациялардан самарали фойдаланиш шу орқали амалга ошиши мумкин.

Шу билан бирга, мамлакатимизда ҳамкорлик тизимини янада самарали қилиш учун бир қатор вазифалар амалга оширилиши зарур. Биринчидан, университетларда ўқув дастурлари доимий равишда саноат талабларига мослаштирилиши, янги фанлар, мутахассислик курслари ва инновацион технологиялар асосида такомиллаштирилиши лозим. Иккинчидан, корхоналар ёш мутахассислар билан узлуксиз ишлаш учун корпоратив ўқув дастурлари ва махсус амалиёт марказларини ташкил этишлари зарур. Учинчидан, университетлар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасида қўшма илмий лабораториялар, стартап инкубаторлари ва технопарклар фаолиятини кучайтириш муҳим.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳамкорликнинг самарали йўлга қўйилиши таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги орқали иқтисодиётнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиради. Бу жараёнда консалтинг хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга ега бўлиб, улар ҳамкорлик стратегиясини тузиш, жараённи мувофиқлаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолашда воситачилик қилади.

Натижада, олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик нафақат сифатли кадрлар тайёрлашга, балки янги иш ўринлари яратишга, аҳоли турмуш даражасини оширишга ва мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишига хизмат қилади. Шу боис, бу соҳадаги ислоҳотларнинг давомийлиги ва уларнинг стратегик асосда йўлга қўйилиши келгусидаги миллий тараққиёт учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

1-жадвал.

Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик

Кўрсаткичлар	Ўзбекистон	Хорижий тажриба
Талабаларнинг амалиётда иштирок этиш даражаси (%)	35	Германия – 50
Битирувчиларнинг иш билан таъминланиши (%)	62	—
Қўшма илмий лойиҳалар сони (йиллик)	120	—
Корхоналарда корпоратив ўқув марказлари (%)	15	—
Хорижий тажриба: Германия дуал таълим (%)	—	50
Хорижий тажриба: Японияда қўшма лабораториялар (%)	—	70

Юқорида келтирилган жадвал таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда талабаларнинг амалиётда иштирок этиш даражаси 35 фоиз атрофида бўлиб, бу кўрсаткич Германиянинг дуал таълим тизимига нисбатан анча паст ҳисобланади (50%). Бу эса талабаларнинг ишлаб чиқариш муҳитида оладиган амалий тажрибалари етарли эмаслигини англатади. Шу боис, университет ва корхоналар ўртасида амалиёт дастурларини янада кенгайтириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Битирувчиларнинг иш билан таъминланиш даражаси 62 фоизни ташкил этиши, кадрлар тайёрлашдаги умумий самарадорлик мавжудлигини кўрсатади. Бироқ бу кўрсаткични ошириш учун таълим дастурлари меҳнат бозори талабларига янада чуқурроқ интеграция қилиниши зарур. Шу мақсадда иш берувчилар билан ҳамкорликда курслар ишлаб чиқиш, амалий лойиҳалар ва стажировкаларни кўпайтириш талаб этилади.

Қўшма илмий лойиҳалар сони йиллик 120 тани ташкил этмоқда, бу университетлар ва корхоналар ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг сезиларли даражада фаоллигини кўрсатади. Бироқ хорижий тажрибада, хусусан Японияда, университетлар ва корпорациялар ўртасида қўшма лабораториялар фаолиятининг 70 фоиздан ортиқ корхоналарни қамраб олиши уларнинг инновацион ривожланишга қаратилганлигини намоён қилади.

Ўзбекистонда корхоналарда корпоратив ўқув марказлари улуши 15 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳамкорликнинг амалий жиҳатда янада кучайтирилиши зарурлигини англатади. Германия ва Япония тажрибасида корхоналарнинг таълим жараёнига тўғридан-тўғри жалб қилиниши ёш мутахассисларни иш жараёнига тезроқ мослашишига хизмат қилади.

Умуман, рақамли таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси йўналишида муайян ютуқлар мавжуд, аммо амалиёт ва корпоратив ўқув марказлари кўламини ошириш, шунингдек қўшма илмий лабораторияларни йўлга қўйиш бу ҳамкорликнинг самарадорлигини янада кучайтиради.

Хулоса. Олий таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги самарали ҳамкорлик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, талабаларнинг амалий кўникмаларини мустаҳкамлаш, илмий-тадқиқот ишларини амалий ҳаётга татбиқ этиш ва инновацияларни жорий қилишда муҳим аҳамият касб этади. Университетлар замонавий меҳнат бозори талабларига мос равишда дастурлар ишлаб чиқиши, корхоналар эса иқтидорли талабаларни танлаш ва инновацион ечимларни қўллаб-қувватлаши зарур. Консалтинг хизматлари эса икки томон ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва ривожлантиришга кўмак беради. Шундай қилиб, таълим, фан ва ишлаб чиқариш уйғунлиги барқарор иқтисодий ўсиш, янги иш ўринлари яратилиши ва жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашда стратегик аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Павленков В.А. Рынок труда. -М., 2007. – 45 с.
2. Федоров М.В., Пешина Э.В. Современные концепции управления знаниями //Стратегическое управление университетом. – 2012. – № 3(79). – С. 6–12.
3. Altbach P.G., Peterson P.M. Higher Edication in the New Century // Global Challenges and Innovative Ideas. – Rotterdam: Sense Publishers, 2007. -pp.61-65.